



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган www.huquq.uz

2020-Ҳ. 6-ФЕВРАЛ, №5 (1202)

21 НАФАР
МАҲАЛЛА РАИСИ
ЕР БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТ СОДИР
ҚИЛГАН.

3-БЕТ

ЯХШИЛИКНИ
БИЛМАГАН ЧЎПОН
ҚЎЙЛАРНИ "ТУЯ"
ҚИЛДИ.

9-БЕТ

МИБДАГИ 975
МИНГГА
ЯҚИН ИЖРО
ҲУЖЖАТИНИНГ
224 МИНГДАН
ОРТИҒИ ЁКИ 23
ФОИЗИ АЛИМЕНТ
ТЎЛОВЛАРИГА ОИД.

10-БЕТ

«ЎЗБЕКИСТОН-24»

ТЕЛЕКАНАЛИ
МУХБИРИ
НЕГА СУДГА АРЗ
ҚИЛДИ?

11-БЕТ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ



Нигматилла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори

Аввало, шуни қайд этиш ўринлики, муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир чиқишлари, хусусан мамлакат ҳаёти учун стратегик аҳамият касб этувчи маъруза ва мурожаатлари нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда.

Янги шакллланган Олий Мажлисга йўланган дастлабки мурожаатнома ҳам бундан мустасно бўлмади.

Нуфузли маҳаллий ва хорижий экспертларнинг яқдил хулосасига кўра, Президентимиз

Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг жорий йил ва яқин истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи стратегик ва айни пайтда фундаментал асосга эга бўлган ҳужжатдир.

Дарҳақиқат, Мурожаатнома

тимсолида Ўзбекистондаги бугунги ислохотлар моҳиятини, яқин йилларда юртимизнинг бутун қиёфаси қай тарзда жозибador бўлишини, халқимиз ҳаёти нечоғлиқ осуда, фаровон ва бахтиёр кечишини кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Мурожаатномада белгилаб берилган улкан марралар шунчаки эзгу ният ёки хоҳиш-истак эмас.

Ақинчча, ундаги ҳар бир вазифа ижро механизми, бунинг учун масъуллар, муддатлар, молиявий манбалари билан уйғун ҳолда баён этилди.

Энг муҳими, ҳужжатда аввало инсон ва унинг манфаатлари устувор ўринга кўйилган. Яъни, "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган асосий тамойилга мувофиқ барча ресурслар, имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши қатъий таъкидланди.

Халқимиз эса бундай янги ва оқилона сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Зотан, адолат тантанаси ва қонун устуворлигини ўзи учун асосий широрга айлантирган давлат фуқароларидаги сиёсатга ишонч, Ватанга муҳаббат ва сароқат туйғулари мустаҳкам бўлиши ҳаммага маълум.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам Оксарой пештокига "Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар широридир" деган ҳикматли сўзларни ёздиргани ҳам бежиз эмас. У ана шу ғоя асосида миллатни энг эзгу ва улғувор мақсадлар йўлида бирлаштиргани ва сафарбар эта олгани ҳам тарихдан аёндыр.

Янги Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати ҳам айнан инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда.

Бирок, афсуски, бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсик бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда.

Хеч шубҳасиз улардан бири ва энг хавфлиси коррупциядир. Бу иллат аввало халқимизнинг давлат ва ислохотларга ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши билан ҳам ғоят хатарлидир.

Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Давоми 2-бетда

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ПОРА



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳууддий бўлимлари томонидан ўтган йили коррупция билан боғлиқ 109 та ҳолат фoш этилди.

Президентимиз қатор маърузаларида олий таълимдаги коррупцияни кескин танқид қилаётгани бежиз эмас. Зеро, таълим-тарбия бериладиган зиё масканида бундай иллатга йўл қўйилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти иқтисодиёт факультети талабалари Қ.М. ва О.А.нинг мурожаати юзасидан ўтказган тезкор тадбирда мазкур факультет декани Х.А. пора

билан қўлга олинди.

Маълум бўлишича, декан талабаларга дарс қолдиргани учун талабалар сафидан чиқариш ва курсда қолдириш билан таҳдид қилиб, ҳар бирдан бу айбини ёпиши учун 200 доллардан пул сўраган. Декан хизмат хонасида улардан 400 АҚШ долларини олган пайтида қўлга олинган.

Суд ҳукмига кўра нафсини жиловлай олмаган домлага Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазо тайинланди.

Қолдирилган дарс ортидан мўмай даромад орттириши уйлаган домла шу тариқа ўзи узоқ вақт дарсга қиролмайдиган бўлди...

Дилшод ШАРИПОВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи

ЕР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

1 февраль куни Бош прокуратурада Ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олишнинг олдини олиш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда кишлоқ хўжалиги, айниқса, сугориладиган ерларни ажратиш ва улардан фойдаланиш аҳоли ҳамда соҳада қонунийликни таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси масъул ходимлари, комиссия аъзолари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давергедекадастр қўмитаси, шунингдек соҳага алоқадор бошқа вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Худудлардан Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгеси ва Вазирлар кенгаши раислари, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар органлари ва солиқ идоралари бошлиқлари, соҳага алоқадор вазирлик ва идораларнинг худудий тузилмалари раҳбарлари қатнашди.

Комиссия йиғилишида Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев маъруза қилди.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистонда ердан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалда оширилмоқда. Сўнгги уч йилда бу соҳани ислох қилишга оид 30 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг учун 2017 йилда 463 млрд. сўм ажратилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2018 йилда 559 млрд., 2019 йилда эса 673 млрд. сўмга тенг бўлди.

Экин майдонлари самарадорлигини оширишда замонавий технологияларни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу даврда республика бўйича 170 минг гектардан ортиқ майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилди, натижада 303 минг гектар ернинг унумдорлиги оширилди.

Ҳосилдорлиги кам пахта ва ғалла майдонларини кискарттириш, улар ўрнида юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўтган уч йилда 293 минг гектар ана шундай ерларнинг 257 минг гектариди даромадбоп турли экинлар етиштирилди, 35 минг гектариди интенсив боғ ва янги тоқзорлар барпо этилди.

Қўрилган чоралар натижасида биригина 2019 йилда 48 минг гектар яроқсиз ер муомалага киритилди. Зеро, мамлакатимизнинг тарқиқети ва келажаги, халқимизнинг тўқик ва фаровон ҳаёти бебаҳо бойлик – ердан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқдир. Бу масала миллий хавфсизлик ва барқарорликка тўғридан-тўғри дахлдордир.

Лекин ер ажратиш ва ундан фойдаланишда кузатилаётган айрим камчиликлар, коррупция ҳолатлари, баъзи мутасаддилар содир этаётган қинғир ишлар соҳадаги ислохотларга соя солмоқда. Шу сабабли бу масалалар йиғилишда танқидий муҳокама қилинди.

Маърузада Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида сўнгги йилларда сугориладиган ерлар камайгани, Андижон, Тошкент, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ернинг ҳолати ёмонлашгани таъкидланди.

Ерга талаб кескин ортиб бораётган ҳозирги даврда захирага олинган хар қарич майдонни унинг ҳақиқий эгасига топириши талаб этилади.

Захирага олинган ерларни ажратишнинг очик ва шаффоф тизими ҳанузгача йўлга қўйилмагани, бу эса турли суиистеъмолчиликларга, экин майдонларининг эгасиз қолиб, ҳатто йўқотилишига олиб келаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатилди.

Янгийўл туманида 2016 йил май ойида захирага олинган 64 балл бонитетли 1,5 гектар унумдор ер ҳеч кимга ажратиб берилмаган. Оқибатда уни ўн киши эгаллаб, уй қуриб олган. Ушбу ер кишлоқ хўжалиги ерлари тоифасидан асоссиз чиқарилиб, ноқонуний қурилган уйларга кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилган. Ҳозир макур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Сувли боғ ва дарахтзорларга талабдорлар етарли бўлса-да, Андижон, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида боғ ва дарахтзорлар захирада қолаётгани танқид қилинди.

Ерларни эгаллик қилиш, доимий ва вақтинча фойдаланиш учун ажратишда ҳамда ижарага беришда жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди.

Бош прокурор маърузасида сўнгги икки йилда ҳокимликлар 56 минг гектар ерни ноқонуний ажратганини кўрсатиб, мутасадди раҳбарлардан қонун талабларига қатъий риоя этишни талаб қилди.

Ўтган йили республика бўйича 83 та ҳолатда 112 гектар сугориладиган ер кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер сифатида ажратиб берилган. Мисол учун, Жарқўрғон туманида 1,5 гектар сугориладиган ер гишт цехи қуриши, Тошкент туманида 20 сотих майдон савдо мажмуаси қуриш учун қонунга зид равишда ажратиб берилган.

Сўнгги икки йилда ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ 473 та жиноят иши қўзғатилиб, 543 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Бу даврда 295 нафар мансабдор ер қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун жавобгарликка тортилган



ни, уларнинг 119 нафари ёки 40 фоизи ер кадастри ходимлари эканлиги қаттиқ танқид қилинди. Масалан, Булоқбоши тумани ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи фуқаро У.га 4 сотих ерни уй қуриш учун ажратиб бериш эвазига 4 минг АҚШ доллари олганда ушланган.

Қўмитанинг фаолияти фақат кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдан иборат «Ермулккадастр» корхонаси ходимлари ҳам бундай суиистеъмолчиликларга берилгани кўрсатилди. Масалан, Андижон шаҳар «Ермулккадастр» раҳбари фуқаро Қ.га 4 сотих ер ажратишни ваъда қилиб, 10 минг доллар олгани учун суд ҳукми билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўтган икки йилда ҳокимликларнинг 23 нафар, архитектура ва қурилиш идораларининг 14 нафар ходими ер билан боғлиқ жинояти учун жавобгарликка тортилган. Мисол учун, Арнасой тумани ҳокимининг ўринбосари тadbirkorга паррандачилик комплекси учун ер ажратиш эвазига 13 минг доллар талаб қилиб, шундан 3 минг долларини олганда қўлга олинган.

Ер ажратиш эвазига Урганч тумани ҳокими ўринбосари 5 млн. сўм, Хива шаҳри ҳокими ўринбосари 2 минг доллар, Чуст тумани ҳокими ўринбосари 2 минг, Дехқонobod тумани ҳокими ўринбосари 6 минг, Навбахор тумани ҳокимининг ўринбосари 11 минг доллар пора олгани учун жавобгар бўлган.

Ҳокимликларнинг 23 нафар, архитектура ва қурилиш идораларининг 14 нафар ходими ер билан боғлиқ жинояти учун жавобгарликка тортилган.

Маърузада масъул идоралар томонидан етарли эътибор берилмагани оқибатда ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, ноқонуний бинолар қуриш, экин майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди.

Ўтказилаётган ҳатловларда республика бўйича 3900 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллаб олингани, 6 минг гектар ерда ноқонуний қурилиш қилингани, 11 минг гектар ердан самарасиз фойдаланиш келингани аниқланди.

Тошкент вилоятида ўтказилаётган ҳатловда маълум бўлишича, қарийб 23 минг гектар ердаги 142 мингдан ортиқ бинонинг бирон-бир ҳужжати мавжуд эмас, 1450 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган, 855 гектар ерда объектлар ноқонуний қурилган.

Айрим фермерлар ижарага берилган

ерларини ноқонуний сотаётгани ҳам танқид қилинди. Сўнгги икки йилда 76 фермер ерни ноқонуний сотгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Зангиота тумани «Семурғ» фермер хўжалиги бошқарувчиси Т. фуқаро П.га 70 сотих сугориладиган ернинг хар бир сотихини 5 минг доллардан сотишга келишида, шундан 50 минг долларини олаётганда ушланди. Ваҳоланки, бу ер Зангиота тумани ҳокимининг қарори билан шу фермер хўжалигига мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехи ташкил қилиш учун берилган.

Қибрайдаги «Тошкент оазис» фермер хўжалиги раҳбари И. ҳам 26 сотих ерни 3 нафар фуқарога 208 минг долларга сотиб юборгани учун тергов қилинмоқда.

Йиғилишда ерга оид қонунбузилишларнинг олдини олишга қўмақлашнинг масъул Фермерлар кенгаши, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишда ташаббус кўрсатмаётгани таъкидланди, улардан фаолроқ бўлиш сўралди.

Охириги икки йилда 21 нафар маҳалла раиси ер билан боғлиқ жинояти учун жавобгар бўлгани танқид қилинди. Масалан, Хива туманидаги Қулчи Каттабоғ маҳалласи раиси Э. фуқаро Рдан иккита тураржой учун захирадаги ердан ажратишни ваъда қилиб, 10 минг доллар талаб қилган ва шундан 5 минг долларини олган вақтида ушланган. Қарши туманида эса Кат маҳалласи раиси Ш. фуқаро У.га 12 сотих ерни уй қуриш учун ажратиб бериш эвазига 70 млн. сўм олганда қўлга олинган.


Йиғилишда аҳоли сони тобора ошиб борадиган, ер майдонлари эса чекланган шaroитда бу соҳадаги қонунбузилишларни барғараф этиш, ерни асраб-авайлаб келажақ авлодларга етказиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссия йиғилиши кизгин муҳокама билан кечди. Сўзга чиққан Олий суд раиси К.Комилов, Бош вазир маслаҳатчиси А.Ваҳобов, Қурилиш вазир Б.Зокиров, Адлия вазир Р.Давлетовлар ер ажратишда қонунчиликни таъминлашга қаратилган вазибалар борасида ўз фикрларини билдиришди.

Қун тартибидоғи масала юзасидан Давергедекадастр қўмитаси раиси А.Абдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар раҳбарларининг тушунтириш ва изоҳлари эпитилди.

Йиғилишда кишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш ва улардан фойдаланишда қонун бузилиши ва камчиликларни барғараф этиш бўйича комплекс тadbirlarни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ғолибжон МИРЗАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Президентимиз раҳбарлигида 2019 йил 27 декабрь куни ўтказилган видеоселекторда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича ишлар белгилаб берилди.

Хар бир секторда камида 200 нафар ёшларни йигиб учрашувлар ўтказиш, қабуллари аҳоли зич яшайдиган жойларда ташкил этиш, ёшлар етакчиларини ўз қанотига олиб, тажрибасини ошириш, халқ билан мулоқотга ўргатиш вазифаси ҳам кун тартибига қўйилди.

Анджонда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳар чоршанба вилоят прокурорининг ёшлар билан учрашуви куни деб белгиланди. Юзма-юз суҳбатларда ёшларнинг иш билан бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини маъмули ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Аҳоли зич жойлашган вилоятимизда долларб масалаларни ҳал қилишда қатъий ва талабчанлик зарурлиги тажрибадан маълум. Буни ёшлар ўртасида ўтказилган сўров ҳам тасдиқлади. Унинг натижасига кўра 662 мингдан ортиқ ёшларнинг 43221 нафари (шундан 16560 нафари хотин-қизлар) доимий иш билан банд эмаслиги маълум бўлди. Бу ўз-ўзидан уларни

иш билан таъминлаш зарурлигини англади. Улардан 9322 нафари тўқимачилик саноати йўналишида, 4688 нафари қурилиш ҳамда 4500 дан зиёди қишлоқ ҳўжалигида ишлаш истагини билдирди. Энг муҳим жиҳат – 11474 нафар ёшлар тадбиркорликни бошлаш ниятида эканлиги маълум бўлди. Ўзига маъқул хунарни эгаллаш, айтилик, нонвой, саргарош, қосиб, чилангар бўлмақчи бўлаётган ёшлар салкам 8 минг нафар экан.

Ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси январь ойида Жалақудук, Кўргонтепа, Хўжаобод, Марҳамат ва Булоқбоши туманларида ўтказилган «Прокурор ва ёшлар» учрашувларида чуқур таҳлил қилинди. Уларда 141 киши ишга жойлаштирилди.

Кўргонтепадаги учрашув давомида иштирокчилар пахтачилик кластери – «Khanter group» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан таништирилди. Шу қорхонада ишлаш истагини билдирган 12 киши жамоада меҳнат фаолиятини бошлайдиган бўлди. Жалақудук туманидаги учрашувда худудда жойлашган ҳарбий қисмдаги аскарларнинг ва хизматчиларнинг фаолияти, яшаш шароити, жанговар тайёргарлиги кўпчиликлда ҳавас уйғотди. Кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбни эгаллашни мақсад қилган ёшлар сони кўпайди.

Шу ўринда Хўжаобод туманидаги «Бунёдкор замин» хусусий қорхонасида бўлган мулоқотда ажойиб бир тақлиф қўллаб-қувватланганини айтиш жоиз. Ўзбе-

кистон давлат консерваториясининг битирувчиси, республика ва халқро ташловлар голиби, 24 ёшга қадам қўйган дирижёр А.Сатторов оркестр ташкил этиш, мусикага қизиқадиган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш ташаббуси билан чиқди. Унинг симфоник оркестр ташкил этиш хусусидаги режаси қўллаб-қувватланди ва зарур чоралар белгиланди.

Шу каби Булоқбоши туманидаги учрашув давомида 45 нафар ёшларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши белгиланди.

Албатта, фаол, тенгдошларига ўрناк бўладиган йигит-қизларни рағбатлантириш келгусида самара беради. Хўжаободда ана шундай тўрт нафар ёш виллоят прокурорининг ташаккурномасини олди. Мулоқот иштирокчиларига Чингиз Айтматов, Абдулла Қодирий, Ўткир Хошимовнинг қаламига мансуб романлар, «Темур тузуклари», жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат юздан зиёд китоблар тухфа қилинди.

Йигит-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида Ёшлар иттифоқи прокуратура органларининг ҳамкорига айланди. Бу миллий кадрларимизни кенг тарғиб қилиш, маиший ва оилавий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётти.

Кўргонтепа туманида тўғилган 22 яшар Иқромжон Салимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўрта-маҳсус маълумотли, вақтинча ишсиз, ҳали оила

қурмаган. 2019 йили унга нисбатан Жиноят кодексининг 104-моддаси билан айблов эълон қилинди. Судланувчининг шахсини ўрганиш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини ижобий тавсиф бергани, у яшаётган хонадоннинг кўпчилари, оқсоқоллар ижобий фикрда эканлиги маълум бўлди. Илҳомжон Собиров жиноятни қасдан содир этмагани, қилган ишдан астойдил пушаймонлиги ва ёшлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганини сўраб Ёшлар иттифоқи виллоят кенгаши қафолат хати билан чиқди. Бу масала ижобий яқинини топди.

Президентимизнинг Олий Мажлиса мурожаатида шундай фикр илгартирилди: «Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз ватанингизни кўз қорачигидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак».

2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш бўлади. Хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш, билим ва хунар ўрганиши учун шароит яратиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини назорат қилиб бориш сектор раҳбари сифатида зимма-мизга жуда катта масъулият юкламоқда.

Гайратжон ФОЗИЛОВ,
Анджон вилояти прокурори

ВАТАН ТАҚДИРИ – ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Хоразм вилояти прокурори Ж.Ҳотамов Хива педагогика коллежида хивалик ёшлар билан учрашди. Прокурор дастлаб коллежнинг иқтидорли ўқувчилари тайёрлаган кўргазма билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисага мурожаатининг аҳамияти тўғрисидаги давра суҳбати ёшларда катта таассурот қолдирди.

Навбатдаги семинар мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари томонидан «Илк қадам» давлат дастури асосида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида олиб борилди. Шундан сўнг вилоят прокурори коллежнинг спорт зали ва футбол майдонида беш ташаббус доирасида ўтказилаётган спорт машғулотларини кузатди.

Ёшлар учун ташкил қилинган китоб кавдоси иштирокчиларга ниҳоятда манзур бўлди. Унда китоб дўконлари 2500 дан зиёд номдаги китоблари билан қатнашди.

Шундан кейин шахардаги эллиқдан ортиқ қорхона иштирокида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Тадбир давомида 15 нафар ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шаҳардаги мактаб ва коллежларнинг битирувчилари билан меҳнат фахрийлари иштирокидаги учрашув

ҳам қизгин ўтди. Учрашувга илгарти жиноят қилган ишсиз ёшлар, болалар шахарчаси тарбияланувчилари, ногиронлар, таълим ва спортда юқори натижаларга эришган иқтидорли ёшлар ҳам тақлиф қилинди. Унда 18 нафар ёш сўз сўраб, ўз тақлиф ва муаммолари хақида гапирди. Уларнинг барчаси инобатга олинди. Ташаббуслар қўллаб-қувватланди, муаммолар жойида бартараф қилинди. Жумладан, 15-мактаб ёшлар етакчисининг мактабда робототехникага қизиқувчи ёшлар учун шароит яратиш ва уларнинг Питнақдаги автомобиль заводига саёҳатини уюштиришда, Ёшлар иттифоқи Хива гумани кенгаши бош мутахассиси Ж.Матниёзовнинг хунармандлар мактабини ташкил этишда ёрдам сўраб қилган мурожаатлари қаноатлантирилди.

Шундан сўнг коллежда вилоят прокурорининг сайёҳ қабули ташкил этилиб, 15 нафар фуқаро муаммолари юзасидаги мурожаат қилди. Уларнинг мурожаати рўйхатга олиниб, қонуний ҳал этиш чоралари кўрилди.



Сайёҳ қабулдан сўнг вилоят прокурори Хивадаги 5-болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб, хунармандлар томонидан тўртта йўналишда ташкил қилинган ва 48 нафар ёшларни қамраб олган бир ойлик ўқув курслари билан танишди. Кейин прокурор Қиёт маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Муродбек Комилонининг хонадониди бўлиб, унга аравача совға қилди.

Хоразм вилояти прокурорининг хивалик ёшлар билан ўтган бир куни самарали бўлди. Бундай учрашувлар яна давом эттирилади.

Уктамбай АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЕЪОВ,
«Нуқуқ»



Буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг таваллуд топган куни халқимиз учун қутлуғ сана, адабиёт байрами ҳисобланади.

Навоий маънавий хазинасини янгидан кашф этиш ва калбимизга олиб киришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки ҳар қандай даҳо ижодкор каби Алишер Навоийнинг адабий мероси ҳам ҳар бир замон учун азиз ва муқаррамдир. Навоий асарларини ўқиб улгайган ҳар бир авлод унинг тафаккур олампидан ҳайратланган. Мана, неча асрдирки, шоирнинг ижоди маънавият ва бадияятга чанқоқ калбимизга обиҳаёт тутиб, сўз жавоҳирларининг бебаҳо хазинасидан баҳраманд этиб келмоқда. Навоий сўзини улуглади, ўз навбатида сўз шоирни улуглади:

*Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Этти фалак ахтарининг буржи ул.
Богчаи даҳрки юз тоза гул,
Топти қаёнким назар этти кўнгли.*

Навоий сўз мулкининг султони сифатида сўзни кадрлади, уни бўлар-бўлмагасочмади, беҳуда сарфламади. Унга тўғри баҳо берди ва ундан бебаҳо маржонлар тизимини терди. Инсон қалби ва жамият ҳаётидаги барча катта-кичик тебранишлар шоир ижодида муҳрла-

ниб қолган. Масалан, ватан ва эл-юртни қадрлаш мавзусида ҳеч ким Навоийчалик байтлар битмаган десак, тўғри бўлади. Ватан ҳақида сўз юритиб, шоир «Салди Искандарий» дostonида «Ватан хубби иймон нишонидурур» дея олий даражадаги ҳулосани айтиб ўтган.

Ер юзида инсон фарзандининг асл миссияси яксон қилиш, бузиш эмас, балки қуриш, бунёд этиш эканлигини Яратганнинг ўзи тайин этиб қўйган. Навоийнинг наинки ижоди, балки серкирра фаолияти ҳам шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч иккиланмасдан савоб йўлини танлади. Хусусан, ободлик сўзи ҳеч қачон шоирнинг тилидан тушмаган. Ватан ободлиги кўнглилар ҳудудлиги билан чамбарчас боғлиқ эканини у бир лаҳза бўлса ҳам унутмаган. Шоир «Хайратул-аброр» dostonида

*«Мулки не тоғ, гар эрур обод анинг,
Халқи не ҳайрат, гар эрур шод анинг»*
деб ёзган.

Алишер Навоий инсонпарварлигининг асосини ишқ-муҳаббат ташкил қилади. Зеро, одам ва олам яратилишининг асоси ҳам ишқ билан боғлиқдир. Буюк мутафаккир ишқ ва муҳаббатни инсон ҳаётидаги энг муқаддас туйғу, жамиятнинг ушлаб турувчи устун деб тушушган. Бу муҳаббат теваракка, инсонларга, оилага,

дўстга, ёрга ва шу орқали Яратганга қаратилган. Айнан шунинг учун ҳам шоир шеърларининг асосий мавзуси ишқдир. У бир рубойида ёзди:

*Кўнглимни гаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ,
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканим буйла аён айлади ишқ.*

XXI аср кишиси тараққиётнинг юқори пиллапоясида турибди. Бу даврга келиб гарчи инсон бехисоб ва ҳайратланарли кашфиётлар қилган бўлса-да, аммо маънавий камолотда жуда илгарилаб кетгани йўқ. Аксинча, Навоий маънавияти чўққисидан қарайдиган бўлсак, анча орқада қолиб кетганимиз маълум бўлади. Навоий оламини янгидан кашф этишнинг зарурати ана шундан келиб чиқади ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Навоийдан инсонга ва ҳаётга муҳаббатни, одамийлик, вафо ва садоқатни, олийҳимматлиқни, иймон ва эътиқодни, мардлик ва ватанпарварлиқни, халқпарварлиқни ўрганишимиз лозим. Зеро, бу ғоялар Навоий асарларининг ўзагини ташкил этади.

Алишер Навоий ўзидан бой шеърый, насрий ва илмий мерос қолдирган бўлиб, «Лисонут-тайр» dostonида шоирнинг ўзи таъкидлашча, у юз минг байтдан иборат. Бу бой мерос билан Навоий ўзбек адабиётини жаҳонга машҳур қилди ва ўзбек адабий тилига асос солди. Ўзбек адабиётида лирик жанрлар ва dostonчиликнинг энг юқори тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлиқ.

Халқимизнинг Навоийга бўлган меҳру муҳаббатини унинг ижодида берилган юксак баҳолидир. Зеро, Навоий ҳазратларининг ўзи ҳам шуни истаган ва «Хайратул-аброр» dostonининг сўнгида мана шундай сатрларни битган эди:

*Ёраб, агар бўлди каломим узун,
Мунди ҳам эжурм қилибмен фузун,
Яхши эса бер сўругимдин амон,
Бўлса ямон боштин-аёғим ямон.
Ҳам ямоним лутф била яхши қил,
Бўлди чу ул яхши қабул айлагил.
Жилва бер эл кўзига ҳам ҳуб ани,
Қилгил улус кўзига марғуб ани.*

Дунёга ҳайрат нигоҳи ила боққан барҳаёт сиймо, буюк мутафаккир шоирнинг илтижоари қабул бўлган-дирки, асарлари эл-улус кўзига «марғуб ўлди», яъни ёқимли, севимли бўлди. Халқнинг бебаҳо хазинасига айланиб, мангуликка дахлдор бўлиб қолди.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нуқуқ»

PROKUROR VA YOSHLAR

ЮРТ ТАЯНЧИ, ЭЛ ҒУРУРИ

Шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларида эрта тонгдан ўқишга ёки ишга отланаётган ёшларни кўриб кўзингиз қувнайди. Эзгу ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Қашқадарё вилояти прокурори Эрқабай Таджиевнинг ёшлар билан учрашувидан кўзланган мақсад ҳам уларнинг кўнглидаги орзу-ниятларини билиш, муаммоларига ечим топиш эди.

Учрашувда вилоят прокурорининг ўринбосари У.Саъдуллаев, вилоят прокуратурасининг айрим вакиллари, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иктисодий институтининг, Тошкент давлат ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали, Тошкент ирригация ва кишлққ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Қарши филиалининг иктидорли талабалари иштирок этиди.

Тадбирда вилоят прокурори Э.Таджиев ёшлар билан ишлаш, уларга ёрдам кўрсатиш, муаммоларини ўрганиб бартараф этиш, тақлиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, у ёшлар билан ишлашда асосий эътибор ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришга, ёшларнинг жамият-


даги ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозимлигини таъкидлади. Учрашувда Қарши давлат университети педагогика факультетининг психология бўлими 3-босқич талабаси Т.Ботиров, Тошкент давлат ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали 4-босқич талабаси Ж.Қобилов, Қарши муҳандислик-иктисодий институтининг энергетика факультетининг 4-босқич талабаси О.Ҳамиджонов, Тошкент ирригация ва кишлққ хў-



жалигини механизациялаш инженерлари институтининг 1-босқич талабаси Ш.Худойназаров ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ингилиш сўнгида қайд этилган ҳолатлар бўйича вилоят прокуратурасида ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича гуруҳ тузилди. Ёшлик – умр баҳори. Бу даврда инсон ўсиб-улгайиб, камолга етади. Яхши парвариланган ниҳол куёшга тал-

пиниб, гурқираб ўсганидек, она-ота меҳридан, жамиятнинг ғамхўригидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол вояга етишига умид қилсак бўлади. Зотан, маънавий етуқ, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш халқимизнинг эзгу орзуси ва давлатимиз сиёсатининг пиروвард мақсадидир.

Шоҳруҳ ҲАҚБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори



ШИФОКОРЛАРНИНГ ХАТОСИ

ТУФАЙЛИ ТЎҚҚИЗ ЯШАР БОЛА ВАФОТ ЭТДИ

Ота-наси, яқинларининг дилидаги изтиробни сўз билан ифодалаш мушкул. Фарзанд доғи юракларини тилка-пора қилган. Суд мажлисида имкон қадар ўзларини қўлга олиб кўрсатма беришади. Ўша куни эрталаб нонушта қилаётганларида Аслиддиннинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тоби қочган. Отаси Раҳмиддин иситма туширадиган парацетамол дорисини ичиради. Ўғлининг ҳароратини қайта ўлчади. Иситмаси тушганига амин бўлгач, мактабга боришига рухсат беради.

Бирок кўнгли ғаш бўлаверади. Соат ўн иккиларда мактабга боради. Ўқитувчисидан жавоб сўрайди. Уйига келгач, термометрда ҳароратини ўлчайди. 38 даражага кўтарилган иситмасини тушириш учун тагин бир дона парацетамол ичиради. Аслиддин кароватда ярим соатча ухлайди. Уйгонгач ҳовлида ўйнайди. Кундузги уч яримда Раҳмиддин яна ўғлининг ҳароратини ўлчайди. 38 даражага кўтарилгани, иситма туширадиган дори наф бермаётганини кўриб ўғлини қишлоқ оилавий поликлиникасига олиб боради. Бино ичидаги йўлакда аллақайда шопиб турган шифокорга юзланади. «Ўғлимни кўринг, эрталабдан буён иситмаламаяпти. Парацетамол ичирдим, кор қилмади. Иситмаси 38 даражага кўтарилди», — дея илжико қилади.

Олий маълумотли врач Хўжамқул Каримқулов бошиданок касал кўриш ва даволашга киришни тартибга зид иш тутайди. Беморни хонага олиб кирмасдан, йўлакда турган жойида томоғини кўради. Ҳароратини ўлчамадан, текширув ўтказмасдан, касални аниқламадан тахминий тарзда муолажани бошлаш учун беморнинг отасига поликлиника дорихонасидан аналгин, димедрол, новокаин ҳамда папаверин дориларини олиб чиқишни буюради. Дориларни ундан олиб ҳамширага беради. «39 даража иситма томоқдан бўлади. Болангиз цефтриаксон олганми?», — деб сўрайди. Раҳмиддин «сўғлим уч ёшдан буён укол дори олмаган» деб айтгач, Хўжамқул ҳамширага цефтриаксон дорисини синама қилиб кўриб, сўнг боланинг сонига укол қилишни тайинлайди.

Раҳмиддин дорини олиб чиқиб берганидан кейин шифокор ҳамширага антибиотикни танага шприцда юборишни тайинлаб, поликлиникадан чиқади. Йўловчи «Дамас» машинасида кетиб қолади. Насима опа дастлаб иситма туширадиган дорилар

аралашмасини тайёрлаб боланинг сонига инъекция йўли билан юбораятганида шприц игнаси чиқиб кетиб, дори тўкилади. Ҳамшира идишдаги қолган дорини шприцга тортиб укол қилади. Сўнг цефтриаксон антибиотикни шприцга тортиб тайёр қилиб қўяди. Раҳмиддин ҳамширага «сўғлимнинг иситмаси баланд, ҳарорати тушсин, кейин синама қилинг» дейди.

Ҳамшира бу ҳеч нарса қилмайди дея болага цефтриаксон антибиотикдан шприцда синама укол қилиб, ташқарига чиқиб кетади. Муолажа хонасида тикка турган Аслиддин «Ота, томоғим ачиб кетаяпти» деб бўйни остини кашлаб сакрай бошлайди. Раҳмиддин югуриб Насима опани чақиради. У ҳовучига сув олиб боланинг юзига сепеди. Бироз ўзига келган Аслиддиннинг кўнгли айниди. Ҳамшира қўйган челақка қайт қилади. Ҳамшира врач Абдуқамол Соёиповни бошлаб келади. Шифокор бемор қайт қилишни кузатиб туради. Бирон бир чора кўрмайди. Аслиддин қайт қилиб бўлганидан кейин хушини йўқота бошлайди.

Раҳмиддин врач ва ҳамширага ўғлининг ахvoli ёмонлашётганини айтади. Қўлида кўтариб бошқа муолажа хонасига олиб ўтади. А.Соёипов шпатель олиб келишни буюради. Ҳамшира билан шпательни қидириб топа олмади. Раҳмиддин «Тез ёрдам» хонасидан сўраб олиб врачга келтириб беради. Ўғлига қараб тагин кўкариб кетаётганини айтганидан кейин врач дори топиб келишни тайинлайди. Дори шифохонада ҳам, дорихонада ҳам йўқ экан. «Тез ёрдам» бўлимидан сўраб олади. Врач қўллаган сибазон, дексаметазон ва новокаин дорилари аралашмаси ҳам кор қилмайди.

Бола кўкариб кетганини кўрган «Тез ёрдам» ҳамшираси зудлик билан шифохонага элтиш керак дейди. Болани «тез ёрдам» машинасига ётқизиб бораётиб реанимация бри-

гадасига кўнғироқ қилишади. Бирок шифохона остонасига етиб борганларида Аслиддин вафот этгади.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Фарғона филиали ўтказган ташқи текширувда мурданинг иккала сонидан нуктасимон инъекция аралари, ички текширувда кўкрак қафаси иккала ёни, ўпка бўлақлари, ўпка илдири, ошқозон ва ичаклар шиллик қаватларига қон қуйилган қўллаб ўчоқлар борлиги аниқланиб, ўлимга антибиотик дориси (цефтриаксон) организмга киритилганидан сўнг келиб чиққан анафилактик реакция — қарахликка қарши биринчи тиббий ёрдам тўлиқ кўрсатилмагани сабаб бўлгани кўрсатилган.

Созда қилиб айтганда, врачларнинг лоқайлиги, вазифасини лозим даражада бажармагани, касаллик аниқланмай нотўғри ташхис қўйилиб даволашга киришилгани натижасида бемор — тўққиз яшар бола хаётдан кўз юмган. Бошқа соҳаларда мастуэтиксизлик оқибатидаги хатони тузатиш имкони бор. Тиббиётда шифокорнинг хатоси тузатиб бўлмас оқибатни келтириб чиқаришни ушбу жиноят иши яна бир бор намоён қилади. Тўғри ташхис қўйилиб муолажа қилинганда бола соғ қолар эди.

Файзобод қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокорлари ва ҳамширасининг айби қисман иқроғлигидан ташқари вафот этган боланинг ота-наси, бошқа гувоҳлар, экспертларнинг хулосалари билан тасдиқланди. Беморга йўл-йўлақай нотўғри ташхис қўйиб, муолажа тайинлаб кетиб қолган врач Х.Каримқуловга озодликдан маҳрум этиш, жазмат вазифасига мастуэтиксизлик билан қараган врач А.Соёипов ва ҳамшира Н.Тўраевага озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Авазбек ЮСУПОВ,
Олтиариқ тумани прокурори

ҚЎЙЛАРНИ «БЎРИ»ГА ИШОНИБ...

Қобил (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 2015 йили «Ташаббус кўкдала чорваси» фермер хўжалигини ташкил қилди.

Бир куни унинг олдига қишлоқдоши Мардон иш сўраб келди.

— Оилавий шароитим оғир. Ишламасам бўлмайди. Яшашга жойим ҳам йўқ, — деди.

Қобил унга ёрдам беришни истади. Тўғри-сўзлиги ва меҳнатқашлиғига шубҳа қилмади.

— Фермер хўжалиги ерларидан уч хонали уй қуриб бераман. Қўлдан келганча ёрдам қиламан. Сен фақат чорвага қарасанг бўлди, — деди.

Мардон рози бўлди. Қобил сўзининг устидан чиқди, йиғитга ҳашаматли бўлмаса-да, уй қуриб берди. Мардон оиласи билан шу ерга кўчиб келди.

Фермер хўжалигининг молларига қўшиб бошқаларнинг ҳам қўй-эчкиларини боқиб берадиган бўлди. Қобил ҳам «оиласига ёрдам бўлсин» деб индамади.

Мардон бошқа маҳалладан бўлган Аллаёрнинг 22 та эчкисини 6000 сўмдан, Одилнинг 46 та қўйини 8000 сўмдан, Бунёднинг 3 та қўйи, 2 та эчкисини 10000 сўмдан, Самаднинг 3 та қўйи ва 1 та эчкисини ҳам шу нархда боқиб беришга келишди. Хизмат ҳақини улардан ойма-ой олиб келарди. Бошида қишлоқдошларининг ишончини қозонган йиғит кейинчалик қўй-қўзиларни ўзиникидай эҳтиёжларига сарфлаб юборарди.

Бир йил ўтиб Одил 50 тага етган қўйларининг 5 тасини олиб кетди. Орадан анча вақт ўтиб, қолганларини ҳам олиб кетишга келиб, атиги 15 та қўйини топди.

— Қолган қўйлар қани? — деб сўради.

— Қолганлари ўлиб қолди.

Одил унинг гапларига ишонмади.

— Нимага ўлади? Шунча қўй бирдан ўлиб қолмагандир. Мен билмайман, қўйларимни топиб берасан, — деди.

— Қўйларингизни топиб беролмайман. Ўрнига ўзимникидан бераман, — деди Мардон.

Одил қўйларини сўрайвергач, Мардон унга 20 та қўй, 2 та эчки ва 9 та эчки бериб юборди.

Бу гаплардан беҳабар Қобил фермага бориб, Мардонни тополмади. Ўзи қўйларини саноқдан ўтказганда 20 та қўйи, 2 та моли ва битта эчки йўқлигини билди. Аллаёрда ҳам шу гап, уни олиб Одилниқига боришди. Ундан бўлган воқеани эшитгач, Мардоннинг қочиб юрганини билди.

Қобил билан Аллаёр Одилниқидан ўзларига тегишли мол, қўйларини олиб келишди.


Мардон Қобилнинг 22 млн. 400 минг, Аллаёрнинг 8 млн. 800 минг, Одилнинг 17 млн. 400 минг, Бунёднинг 3 млн. 400 минг ҳамда Самаднинг 2 млн. 200 минг сўмлик қўй-эчкиларини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган эди.

Суд мажлисида айбига тўлиқ иқроғ бўлган Мардон қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказган зарарни қисман тўлаб берганини, қолганини ҳам тўлиқ қоплашни, оилада ягона боқувчи эканини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Шунингдек судда жабрланувчилар қўй-эчкиларидан воз кечганини, сулданувчига нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Суд ҳукми билан Мардон Тўраевага ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат хисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Азиз МУРОТОВ,
Пахтачи тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



Фарзанд олдидаги мажбурият

Алимент тўлови, аввало, болаларнинг таълими, сифатли овқатланиши, соғлом ва баркамол улғайишини таъминлайди. Демак, бу – жиддий масала.

Мажбурий ижро бюросидаги 975 мингга яқин ижро ҳужжатининг 224 мингдан ортиги алимент тўловларига оид. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Ёшдувон туманлараро судининг 2018 йил 20 апрелдаги буйруғига асосан Орифжон Шарифов вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойда ишлаб топган даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент тўлаб бориши белгиланган. Лекин у алиментни ўз вақтида тўламай келгани учун Вобкент тумани маъмурий судининг 2019 йил 11 мартдаги қарорига кўра унга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланган. Бундан хулоса

чиқармаган ота 20 ой давомида 6 496 469 сўмлик алиментни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан бюронинг Вобкент тумани бўлими томонидан унга нисбатан жинойят иши кўзга тутилди, суриштирув олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фарзандларнинг келажак учун соғлом муҳит яратиш мақсадида бюро ижрочилари ажрашган оилаларни яраштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг 2019 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра Данғара тумани Нурафшон кишлоғида яшовчи В.Парпиевдан вояга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун

Фарғона шаҳар Табассум маҳалласида яшовчи Ф.Ёқубовага иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган. Мазкур суд ҳужжати асосида улар билан суҳбат ўтказилди ҳамда оиланинг муқаддаслиги, фарзандларнинг келажак ҳақида қайғуриш ота-онанинг мажбурияти эканлиги тушунтирилди. Бюронинг Данғара тумани бўлими биносига киришдан аввал ўзаро тортишиб жанжаллашаётган икковлон бинодан бирбутун оила бўлиб, фарзандларини елкаларига кўтариб чиқиб кетишди.

Гулрух БУРХОНОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори

Яхшилик чашмаси

Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари коммунал тўловларни ундириш, энергия тармоқларига ноқонуний уланишларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мажбурий ижро бюроси дейилганда баъзиларнинг кўз ўнгиде фақат қарзларни ундириш билан шуғуллангани, қонуний чора кўрадиган ташкилот гавдаланиши мумкин. Бу ҳам тўғри. МИБ айнан қарзларни мажбурий ундириш билан шуғулланади. Бундан ташқари савоб ишлар билан ҳам шуғулланади. Қандай дейсизми? 2020 йилнинг бошидан буён бюронинг

Юнусобод тумани бўлими томонидан маҳалларда истиқомат қилаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 19 та оиланинг энергия ресурсларидан бўлган жами 22 млн. 546 минг сўмлик қарзини ҳомийлар орқали тўлашга кўмак берилди.

Марғуба АМОНОВА,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Қўлдан келганча яхшилик қилиш азалий удуларимиздандир. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар яхши-ёмон кунда бир-бирларини кўлаб-қувватлашади. Маълумки, истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ пулини ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар тўлаб бориши лозим. Акс ҳолда тармоқдан узиб қўйилади. Қайта уланиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорда тўлов ундирилади.

Бюронинг Бағдод тумани бўлими давлат инспектори Хитой кишлоғида яшовчи Х.Хўжамкулов оиласининг электр таъминотидан 3 млн. 500 минг сўм қарздорлигини аниқлаган. Бюро ходимлари маҳалла фаоллари, ҳамқишлоқлар билан учрашувда ушбу оиланинг қарзини тўлаш учун кўмак беришни сўрашди. «Чорчашма» фермер хўжалиги раҳбари О.Исоқов ҳамқишлоқнинг муаммосига бефарқ қарамади. Қарзини беминнат қоплашдан ташқари

тармоққа қайта уланиш учун 446 минг сўм тўлаб берди. Х.Хўжамкулов бундан кейин фойдаланилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаб бораган дея бюро ходимлари ва ҳомийни дуо қилиб, миннатдорлигини изҳор этди.

Ҳозир бу каби хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қаҳрамон ХАШИМОВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси инспектори

Қамоққа олинган оталар

Мажбурий ижро бюроси Қарши тумани бўлими ташаббуси билан 23 январь куни Қарши тумани ҳокимлигида сектор раҳбарлари ва бир қатор ташкилотларнинг вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда оилавий муносабатларни тартибга солиш, ажримларнинг олдини олиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз фарзандлар учун бериладиган алимент пулини ўз вақтида тўлаб боришнинг аҳамияти, бу борада бюронинг Қарши тумани бўлими томонидан қилинаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар эшитилди.

Бюронинг Қарши тумани бўлимида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашга оид 1131 та ижро ҳужжати мавжуд. Бугунги кунда қилинган ишлар натижасида 56 та оила яраштирилди, 21 нафар алимент тўловчи ишга жойлаштирилди, узоқ вақтдан бери тўланмаётган 158 млн. сўм алимент пули ундирилди, қидирувдаги 32

2019 йил сарҳисоби кўздан кечирилган экан, Мажбурий ижро бюросининг Бухоро вилояти бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан энергия ресурслари ва ичимлик суви ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича амалга оширилган ишлар билан боғлиқ фактлар эътиборни тортади.

Фаолият мезони – қатъийлик

Энергия ресурслари бўйича режадагидан 1 трлн. 107 млрд. 100 млн. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 351 млрд. 400 млн. сўм кўп, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш жараёнида 621 млрд. 800 млн. сўм ундирилишига эришилди. 2019 йилда энергия ресурслари бўйича қарзларни ундиришда бюро ваколатларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. 549 843 нафар истеъмолчи 127 млрд. 17 млн. 900 минг сўмлик талабнома берилди. 60272 та юридик шахснинг энергия ресурслари ва сув таъминотидан 272 млрд. 624 млн. 700 минг сўмлик қарзини ундириш юзасидан тижорат банклари ва инкасса топшириқлари берилди. Бундан ташқари, 4833 нафар истеъмолчи белгиланган муддатда 8 млрд. 394 млн. 100 минг сўм қарзини ихтиёрий равишда тўламагани учун уларнинг тармоқдан ажратилиши таъминланди.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурсларининг ҳақини мунтазам равишда тўламаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида 1613 та тақдимнома киритилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатлари фойда тилиб, айбдорнинг жавобгарлиги масаласи ҳал қилинди.

Энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилиш ва бошқа суиистеъмолчилик борасида 3 млрд. 671 млн. сўмлик 1447 та ҳуқуқбузарлик ва 47 та жинойят аниқланди. Бундан ташқари, электр ва газ таъ-

миноти корхоналари ходимлари мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолатлар бўйича 8 та жинойят иши кўзга тутилди, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қонунбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш тўғрисида «Бухоро электр тармоқлари» АЖ ва «Бухорогаз» МЧЖ раҳбарларига тақдимнома юборилди.

2019 йилда қидирувдаги 506 кишидан 357 нафари топилиб, улардан 662 млн. сўмлик қарз ундирилди. Давлат ижрочилари томонидан 1368 нафар қарздордан фарзандлари 18 ёшга тўлганга қадар тўловлар тўлик ундирилди, 167 та оила яраштирилди, шу билан бирга 183 нафар ишсиз алимент тўловчи ишга жойлаштирилди.

Йил бўйи бошқарма ва ҳудудий бўлимлари томонидан муҳофазага келиб тушди, уларнинг 7235 таси ҳал қилинди, 2356 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Вилоят бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари томонидан аҳоли иштирокида 5475 та тарғибот напшти ўтказилди, 2018 йилга нисбатан бу кўрсаткич 226 тага ошган. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тақдир ва мулоҳазаларини ўрганиш имконини бермоқда.

Юртимизда энергия ресурслари ҳақини тўлашга қийналаётган оилаларга кўмаклашишни истаётган фуқаролар талайгина. Улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида 24 та оиланинг электр энергиясидан қарийб 4,5 млн. сўмлик, 28 та оиланинг табиий газдан 20,4 млн. сўмлик қарзи саҳоватпеша инсонлар томонидан тўлаб берилишига эришилди.

Алижон ҚИЛИЧЕВ,
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи

нафар алимент тўловчи топилиб, қарзларини тўлаб беришига эришилди.

Сектор раҳбарлари бу йил оилавий ажримларнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солишга келишиб олдилар.

Шу ернинг ўзига сайёр суд мажлиси ўтказилиб, алимент тўлашдан бўйин товлаб келатган олти кишига нисбатан 15 суткалик маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Сарвар ТУРАЕВ,
МИБ Қарши тумани бўлими бошлиғи

ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚИНИ КИМ БУЗДИ?

Меҳнат соҳасидаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий мавқеини ошириш, фаровон ҳаёт кечириши учун шароит яратишда муҳим ўрин тутди. Афсуски, баъзан меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларини поймол этиш ҳоллари ҳам кузатилади. Мана шундай ҳолатда фуқаро З.Б. бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, З.Б. 1999 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг маъмури, радио эфери муҳаррири, 1-тоифали муҳаррири вазифаларида, шу билан бирга 2017 йилдан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон-24» телеканали худудий муҳбирлар тармоғининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз муҳбири (0,5 ставка ўриндош) вазифасида ишлаб келган.

З.Б. судга Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 2019 йил 3 апрелда чиқарилган буйруқни гайриқонуний деб топиб, бекор қилишни, ишга тиклашни ва мажбурий проғул қунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундиришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2019 йил 14 июндаги ҳал қилув қарори ва Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 26 июлдаги аҳрими билан З.Б.нинг даъвоси рад этилган.

У мазкур қарорлардан норози бўлиб Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибидagi шикоят қилган. Аниқланишича, Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 3 апрелдаги буйруғига асосан З.Б. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилинган. Қасаба уюшма кўмитаси баёни ва ишдаги гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра З.Б. 2019 йил 28 март кuni соат 19:15 ларда телерадиокомпания директорининг ўринбосари Б.Э.га нисбатан кўпол муомалада бўлиб, уни ҳақорат қилган. Журналист этикиси, одоб-ахлоқ ва касбий йуриқнома талабларига риоя қилмасдан ички меҳнат тартиби қондаларининг 2.35.4-бандини бузган. Мазкур қондаларининг 4.5-бандида иш вақти соат 9:00 дан 18:00 га қадар этиб белгиланган. Бирок иш берувчи воқеа содир бўлган вақт иш вақти бўлмагани, шунингдек З.Б.нинг ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳулосаси ва бошқа қонуний асослар мавжуд эмаслигини эътиборга олмасдан, меҳнат шартномасини бе-

кор қилган. Кейинчалик З.Б.нинг аризаси асосида юқоридаги ҳолат юзасидан Қарши шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан терговга қадар текширув ўтказилиб, шахснинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломати йўқлиги сабабли ушбу иш 2019 йил 15 декабрда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиши иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга сабаб бўлади. Юқоридагиларга асосланиб, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 7 январдаги аҳрими билан З.Б.нинг даъвоси бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, унинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Алибек ХАЛИЯРОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



**КЕЛГУСИ
СОНДА**

**БУХОРОЛИК
АЁЛ ЎЗИНИ
ПАЙҒАМБАР
ДЕБ ЭЪЛОН
ҚИЛИБДИ...**

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZOROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

**TAHRIRIYAT
MANZILI:**
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqdir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [L] — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4054.
22 017 nusxada besildi.
Ong'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **KASQAROV Sahifalovchi: S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617

8 772010 761004

REPORTAJ



ҚУЛАЙ МОБИЛЬ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

Давлат хизматлари шаҳар, туман марказлари томонидан 130 га яқин давлат хизмати кўрсатилмоқда. Аҳолига қулай бўлиши учун жойларга чиқиб хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Марказнинг масъул ходимлари мослаштирилган, компьютер билан жиҳозланган автобусда, «Дамас» автомобилларида жойларга бориб турли хизматларни таклиф қилишмоқда.

Шанба кuni, Фарғона шаҳар деҳқон бозори, эрталаб соат тўққиз. Бир неча столга кўрсатилаётган давлат хизматлари акс эттирилган буклетлар ёйиб кўйилган. Пенсия ёшидаги аёл буклетлардан бирига кўз югуртириб, давлат хизматлари марказининг ходимига юзланади.

— **Кадастр ҳужжатларини янги сизлардан олсак бўладими?**

— Ҳа, кадастр ҳужжатлари ҳам марказ орқали олинган бўлиб, — дейди ходим. — Энди зарур ҳужжатларни тўшлагани овера бўлмайсиз. Ҳаммаси битта жойда — марказда электрон тарзда жамланиб кўриб чиқилади.

Мурожаат қилганларнинг аксарияти саволларига батафсил

жавоб олишади, шу жойнинг ўзида ишнинг битказишади.

Ёш йигит ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилаш ҳақида савол беради. Ходим гувоҳномани Давлат хизматлари шаҳар марказида узоғи билан йитгирма дақиқада алмаштириб олишингиз мумкин, дея йўл-йўриқ кўрсатади. Бозорда фуқаролар, тадбиркорлар қулай хизматдан фойдаланишади. Мобиль хизмат автобусида кишлоқ хўжалиги махсулотлари савдоси билан машғул тадбиркорга солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар, енгилликлар тушунтирилиб, давлат рўйхатидан ўтказила бошланади. Электрон тарзда шаҳар солиқ инспекцияси базасига киритилади.

Мобиль хизмат автобусида тадбиркор аёлини саволга тутамиз.

— Бозорда кишлоқ хўжалиги махсулотлари сотмоқчиман, — дейди **Даноноҳ Бекбўтаева**.

— Жуда ям қулай, идорам-идора юрмасдан, шу ернинг ўзида рўйхатдан ўтказиб, солиқ инспекцияси ҳисобига киритишди. Рухсатнома расмийлаштириб беришяпти.

— Марказ чекка ҳудудлардаги аҳолига мобиль давлат хизматларини кўрсатмоқда, — дейди **Давлат хизматлари Фарғона вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдурашид Йўлдошев**. — Мобиль хизмат кўрсатиш учун барча шаҳар-туман

марказларига «Дамас» автомобиллари ажратилган. Улар турли хизматларни таклиф қилиб, аҳолининг узоғини яқин қилаяпти.

Дарвоқе, ўтган йили 1736 та тадбиркорлик субъекти сайёр тарзда рўйхатдан ўтказилди. Марказлар жами 7633 та юридик шахсни, 19905 та юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказди. Мобиль хизмат мисолида кўрганимиздек, аҳолига қулай бўлиши учун давлат хизматлари кўрсатиш жараёни такомиллаштириб бормоқда.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоалари Бюронинг вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари Жасур Шодмоновга опаси **Жонгул ШОДМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Хоразм вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим прокурори Марсель Асхадуллинга турмуш ўртоғи **Аноржон ҲАЙИТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Чехия ҳукумати коронавирусга қарши курашда кўмак сифатида Хитойга 10 миллион крона, яъни 435 минг долларга яқин маблағ ажратишга қарор қилди.

Авалига Баҳромга ошкора хаваси келди: сўнги урфдаги кийим-бош, айникса, тагидаги гижинлаган каймоқранг «Ласетти»сини айтмайсизми?!.

Кафега кириб ўтиришди, болалик, мактаб даврларини эслашди. Баҳром шаҳар марказида тўрт хонали уйи, Чимёнда далаховлиси борлиги, четрқдан дангиллама уй ҳам кураётганини айтганида Авазнинг оғзи очилиб қолди.

– Ўзингда нима гап? Ҳалиям дехқончилик қилиб юрибсанми?

– А?

– Ўзингдан гапир дейман. Нима бало, қулогинг оғирлашиб қолдимми?

– Менми, худога шукур, яхшиман. Ишларим ёмон эмас. Дехқончиликдан чорвага ўтганман. Қўй, сигир-бузук дегандек, амаллаб турибман. Бош қашнишга ҳам қўл тегмапти...

Қўп ўтмай битга пиша бўшади. Бу пайтда Авазнинг қакаги тинмай қолган бўлса-да, Баҳром анча хушёр эди. У шериги ганини туғатишини кутиб турди-да, қўлини елкасига қўйди.

– Аваз! – дея секин гап бошлади. – Боя чорва билан шуғулланишдан дегандек. Молларинг кўпми?

– Қўйларим юздан ошади. Ўнчага хўкиз, тўрт-бешта сигир-бузук дегандек. Нимагайди?

– Жўра, катта бой экансан-ку, сир бой бермайсан-а?! Уларни сўйиб емасанг керак? Энди нима қилмоқчисан?

– Э-э, буларга қанча иш қараб турибди. Кенжамнинг қўлини ҳалоллашим керак. Буёқда сингилни унаштириб қўйганмиз. Баҳромга чиқиб тўй. Ҳовлининг этагига иморат солишим керак. Насиб қилса шу йил онамни ҳажга юбормоқчиман.

– Аммо қойилман сенга! Омадингни берсин. Шунақа иш бошлаб қўйдим дегин. Булар учун яна биттадан олиш керак.

Баҳром иккинчи пишани очиб, пиёдаларни тўлдирди. Икковлон бир-бирига омад тилаб ичишгач, Баҳром яна гап бошлади.

– Менга қара, оғайни. Ишларинг яхши. Лекин бундан ҳам зўр қилиш мумкин, шуни биласанми? Агар хоҳласанг, пулингни уч баравар қилиб бераман.

– Ростанми? Қанақа қилиб? Зўр бўларди-ку!

– Эй, оғайни... Зўр бўлиши ҳам гапми?! Мана сенга бир мисол: юриш-туришим қалай? Ёқдимми?



«ШИРИН КАЛОМ»НИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

– Гап бўлиши мумкин эмас. Сенга роса хавасим келди. Нима иш қиласан ўзи? Боядан бери сўрайман дейману...

– Сўрайвермайсанми? Сендан яшириб нима қилдим. Туркиядан мебель олиб келиб сотаман. Даромадим ҳам шунга яраша. Хоҳласанг қўйларингни сотгин-да, менга шерик бўл. Пулингни ўзимниқига қўшиб сенга ҳам мебель олиб келаман. Дўконларга тарқатамиз. Кейин пулини йиғиб оламиз. Буёғи баҳор, тўйлар кўпаяди...

Хуллас, Баҳром у леда, бу деди, охири Авазини кўндирди.

Аваз қишлоққа қайтиб келиши билан қўйларига харидор излашга тушди. Онас билан хотинининг гапига қирмай, тезда бойиб кетиш илнжиди хўкизларини ҳам сотиб юборди-да, пулини суммага жойлаб, Топшкентга йўл олди. Баҳромни топиб, пулини унга топширгач, хурсанд бўлиб ортга қайтди. Оралдан бир ҳафта ўтиб дўстига телефон қилди. Баҳром ундан олган пулини долларга алмаштиргани, тез қуларда Туркияга учиб кетишини айтиб, уни хотиржам қилди. Кейинчалик яна бир-икки марта телефонда гаплашқиди-ю, шу билан Баҳром ғойиб бўлди.

Авазнинг уни қилдирмаган жойи қолмади. Охири ички ишлар органларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. У ердан эса синфдоши «Баҳром фирибгар» деган ном ортиргани, фирибгарлик ортидан бир неча марта камалиб чиққанини билиб олди. Айтмоқчи, «Ласетти» ҳам уники бўлмай, бир кишига сотиб беришни ваъда қилиб ҳайдаб юрган экан...

Афсуски, ҳаётда бунақа воқеалар учраб турибди. Кимдир ўқишга-ишга киритиб қўяман деб, бошқаси ер олиб бераман дея ёлгон гапирса, яна кимдир даромадини солиқдан яширади. Аслида ва энг ачинарлиси – буларнинг барчаси ёлгонга қурилган.

Нуроний отахонларимиз кўпинча «Ёлгончи дунё» деганларини эшитиб, нима учун бундай дейилишини ҳам яхши билганимиз, яъни бу дунёда ҳамма нарса вақтинча эканлигига иймонимиз қомил бўлгани ҳолда аксарият ҳолатларда ўткинчи хавасларга берилиб, алданиб қоламиз.

Аслида инсон ҳаёти ўзаро муносабатларда бир-бирига ишонч устига қурилган. Жамият аъзолари ўртасидаги оқибат ва ўзаро ишонч ҳаётни гўзаллаштиради. Жамиятни бузадиган амал-

лардан бири эса ёлгондир. Ёлгончилик қўлайган жойда одамлар бир-бирига ишонмай қўяди, фиску фужур илдиз отади.

Ачинарлиси, ёлгон билан боғлиқ жиноятлар, айникса, фирибгарлик жинояти йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилда юртимизда 5009 шахс 6321 та ҳолатда айнан шу турдаги жиноятни содир этгани учун айблангани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Ёлгончилик муқаддас динимизда ҳам кескин қораланган. Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) ҳам ёлгончилик жуда оғир гуноҳ эканлигидан огоҳ этиб, «Ёлгончилар менинг уматим эмас» деб мўмин киши ёлгончи бўлиши мумкин эмаслигини, ёлгончи эса мусулмончиликдан чиқишини қатъий баён қилганлар.

Бир ёлгон ортидан минглаб ёлгонларни эргаштириб, бузғунчилик ва фитнага асос бўлади. Бузғунчиликнинг гуноҳи эса ёлгон гапирганга бўлади.

Гофуржон АЛИМОВ,
«Нуқуқ»

ELON ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини таъкил этиш. Адвокатура, 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси, 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Кримнология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ҳамда 12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар) ихтисослиги бўйича мустақил изланувчиликка

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

магистр ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломага эга бўлганлар;
диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилувчи илмий мақодаларга эга бўлганлар (илмий журналларда чоп этилган ҳамда битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўшамларига киритилган маъруза тезислари);
камда икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эки муайян илмий йутуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка талабгорлар Академияга қуйидаги ҳужжатларини тақдим этишлари:

Академия бошлиғи номига мустақил изланувчиликка қабул қилиш ҳақида ариза;
талабгорнинг қисқача биографик маълумотномаси;
олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мухтассаслик дастурлари бўйича) тўғрисидаги

диплом нусхаси;
меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
иш жойидан тавсифнома.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишда диссертация хисобига қадар изланувчилар:

ихтисослик ҳамда чет тили бўйича малакавий имтиҳон топшириши;

диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокама қилинишини таъминлаши;

ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган диссертациясининг асосий натижаларини ақс эттирадиган ҳамда учта (шу жумладан биттаси хорижда) илмий мақолага эга бўлиши ШАРТ.

II. Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглангитрилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражалар;
фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгандан сўнг муҳим илмий йутуқларга эришиб, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилувчи илмий журналларда чоп этилган ҳамда учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўшамларида камда иккита тезиста эга бўлиши.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка талабгорлар Академияга қуйидаги ҳужжатларини тақдим этишлари:

Академия бошлиғи номига мустақил изланувчиликка қабул қилиш ҳақида ариза;

талабгорнинг қисқача биографик маълумотномаси;
меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглангитрилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

иш жойидан тавсифнома.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун диссертация хисоб қилинганча изланувчилар:

диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокама қилинишини таъминлаши;

ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган диссертациясининг асосий натижаларини ақс эттирадиган ҳамда ўнча (шу жумладан биттаси хорижда) илмий мақолага эга бўлиши ШАРТ.

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар диссертация натижалари бўйича монография чоп этиб бўлиши ЛОЗИМ.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар 2020 йил 15 январдан 25 февралга қадар <http://phd.mininnovation.uz> веб-сайти орқаси рўйхатдан ўтгач, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ҳуқуқий муаммолари илмий-амалий ва инновацион ўрнатилган тартибда тадқиқ қилиш ҳамда илмий ҳодимларни тайёрлаш марказига 2020 йилнинг 25 февралига қадар барча зарурий ҳужжатларини тақдим этишлари талаб этилади. Изоҳ: Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида ўқиб уч йилгача давом этади.